

ХИВА ХОНЛИГИДАГИ ДЕВОНБЕГИ ЛАВОЗИМИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР (МУҲАММАД МУРОД ДЕВОНБЕГИ МИСОЛИДА)

*Матякубов Шоназар Собирович, Хоразм Маъмун академияси
катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори*



<https://orcid.org/0009-0003-0888-2941>

e-mail:


shonazarmatyobovv@gmail.com

INFORMATION ABOUT THE POSITION OF DEVONBEGI IN THE XIVA KHANTY (IN THE EXAMPLE OF MUHAMMAD MURAD DEVONBEGI)

*Matyakubov Shonazar Sobirovich, Senior Researcher of the
Khorezm Mamun Academy, Doctor of Philosophy
in Historical Sciences*

ИНФОРМАЦИЯ О ПОЛОЖЕНИИ ДЕВОНБЕГИ В ХИВИНСКОМ ХАНСТВЕ (НА ПРИМЕРЕ МУХАММАДА МУРАД ДЕВОНБЕГИ)

*Матякубов Шоназар Собирович, старший научный
сотрудник Хорезмской академии Мамуна, доктор философии
по историческим наукам*



Аннотация: Мақолада муаллиф Хива хонлигидаги девонбеги лавозими ҳақида Муҳаммад Мурод девонбеги мисолида маълумотлар беради.

Калим сўзлар: Хива, Қўнғиротлар сулоласи, Муҳаммад Раҳимхон, Муҳаммад Мурод девонбеги, хон девонхонаси, солиқ дафтарлари, бож, бозор.

Abstract: In the article, the author provides information about the position of devanbegi in the Khiva Khanate using the example of devanbegi Muhammad Murad.

Keywords: Khiva, Kungrad Dynasty, Muhammad Rahimkhan, Muhammad Murad devanbegi, khan's office, tax notebooks, duty, market.

Аннотация: В статье автор даёт сведения о должности деванбеги в Хивинском ханстве на примере деванбеги Мухаммада Мурада.

Ключевые слова: Хива, династия Кунградов, Мухаммад Рахимхан, Мухаммад Мурод деванбеги, ханская канцелярия, налоговые тетради, пошлина, рынок.

КИРИШ. Қўнғиротлар сулоласи хонларидан саналган Саййид Мухаммадхон милодий 1856 йилдан 1864 йилгача саккиз йилу саккиз ой ва саккиз кун хонлик тахтини бошқариб, 43 ёшида касалланиб вафот этади. Хондан етти ўғил қолди. Булар Саййид Мухаммад Раҳим тўра, Саййид Отажон тўра, Тўра Мурод тўра, Оллоёр тўра, Давлатёр тўра,

Худоёр тўра ва Саййид Ҳомид тўралар эди. Хонликнинг удуми бўйича мархум хоннинг катта ўғли ота ўрнига тахтга чиқиши керак эди.

Ҳижрий 1281 йил сунбуланинг охири, раби ус-сонийнинг 21-куни, милодий ҳисоб билан 1864 йилнинг 22 сентябрида ота ўрнига Хива тахтига катта ўғил 19 яшар Мухаммад Раҳим тўра хон этиб кўтарилади. Тахтни

эгаллаган Муҳаммад Раҳимхон шу йилнинг 5 ноябрь санасида Муҳаммад Мурод маҳрамни Худойназар девонбеги ўрнига девонбеги лавозимига тайинлайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.

Муҳаммад Юсуфбек Баёний бу ҳақда “Шажараи Хоразмшоҳий” тарихий асарида қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдиради: “Вақтеким, хон ҳазратлари ота тахтида барқарор бўлдилар, тамоми умаро ва амалдорларни ўз рутбаларида барқарор этдилар. Магар Худойназар девонбегини девонбегилик мансабидан маъзул этиб, ўрнига Муҳаммад Муродкул отаниким, хон ҳазратларининг овони туфулиятларида кулоталик нисбати билан сайир худомодин мумтоз бўлиб эрди, насиб этдилар”[1].

Хивада 1853-1863 йилларда асирликда бўлган эронлик генерал Исмоил Мирпанжий ўз хотираларида қуйидагиларни ёзади: “Мамлакат ишларини бошқаришда хонга уч вазир ёрдам беради. Улардан бири меҳтар, иккинчиси кушбеги ва учинчи амалдор девонбеги эди”[2].

Шунингдек Исмоил Мирпанжий “Асирликдаги хотиралар” деб номланган китобида “Девонбеги атрофдаги элатлардан, савдогарлардан божхона ва закот пулларини қабул қилиш билан шуғулланарди”[3] деб ёзади. Хон саройидаги девонхонада тўртта девон (мирзо) ишлаган, улардан биттаси девонбеги бўлиб, мамлакат даромадларини бошқариб, хон саройи эҳтиёжи, ҳарбий харажатлар учун сарфлаган. У ер-сувни бошқарар, боғлардан келган даромадларни ҳисоблар, ариқлар қазувини ташкил этарди. Хон ва катта амалдорларнинг ўз девонбегилари бўлган. Ҳар бир шаҳарда девонбегиларнинг ўринбосарлари бўлиб, улар бож ва хирожларни тўплашга мажбур эдилар. Девонхонанинг асосий иши барча қилинган ишларни дафтарга қайд этиб бориш эди.

МУҲОКАМА. Муҳаммад Мурод маҳрам вазифасида ишлаб юрган пайтларида ҳам Саййид Муҳаммадхоннинг эътибори ва ҳурматига сазовор бўлган эди. Муҳаммад Раҳимхон II ҳам катта ишонч билдириб, уни хонлиkning энг катта ва масъулиятли лавозимларидан ҳисобланадиган хон девони бошлиғи — девонбеги лавозимига лойиқ

қўради. Хива хонлигининг солиқ дафтарлари ўша давр иқтисодиётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Солиқ ҳужжатлари ер эгаларига солиқ солиш вақтида уларнинг мулки ва даромадини ҳисобини олиб боришда асосий манба бўлиб хизмат қилар эди. Ер солиғининг миқдори ернинг катта-кичиклик ҳажмига қараб белгиланган. Хонлик худудидаги ерларнинг бешдан бир қисмига пахта экилган. Экин ерларининг қолган қисми тахминан баб-бараварига бўлиниб, бугдой, жўхори, арпа, шоли, зиғир, кунжут, қовун ва тарвуз экилар эди. Солиқ солиниши жиҳатидан мулк ерлари уч тоифага бўлинган. Беш танобгача ери бўлганлар пастки тоифадаги деҳқонлар саналиб, адно деб аталган. Беш-ўн таноб ери бўлган деҳқонлар авсат, ўн танобдан ортиқ ери бўлганлар аъло деб номланган эди. Хонликдаги адно ва авсат тоифасидаги деҳқонларда 64 минг таноб, аъло тоифасидаги ер эгаларида 70 минг таноб, шунингдек хонлик ерлари 170 минг таноб бўлиб, жами экин экиладиган ерлар миқдори 348 минг танобни ташкил этган.

Тарихчи олим М.Йўлдошев Хива хонлигида закот йиғиш ва бозорларда жой пули олиш ишларини ҳам девонбеги Муҳаммад Мурод ўз маҳкамаси хон девонхонаси орқали бошқариб турганлиги, шунингдек йиғилган пулларнинг мақсадли сарфланишини ҳам назорат қилиб турганлиги ҳақида маълумот бериб ўтади. Хонликда 16 вилоят, 24 беклик ва 1183 мачит-қавм бўлиб, хон амалдорларининг фаолиятини ҳам Муҳаммад Мурод девонбеги назорат қилган. Булардан ташқари хонлик худудида мавжуд 130 дан зиёд мадрасаларга дон, мева, сабзавот етказиб берилиши ва талабаларнинг таъминоти ҳам ўз эътиборида бўлган. Шаҳар аҳолиси асосан хунармандлар, косиблар ва савдогарлардан иборат эди. Рус савдогари Ф.Скибин Хива шаҳри ва аҳолиси тўғрисида: “Аҳолиси жангари эмас, балки хунармандлардир” [4] деб маълумот бериб ўтган. Ер эгаларининг кўпчилиги шаҳарларда яшаган. Хон архиви ҳужжатларида шаҳар аҳолисининг қандай касб-корлар билан шуғулланганлиги, барча косиб ва савдогарларнинг тўлиқ рўйхатлари, шунингдек уларнинг хон ғазнасига қанча миқдорда солиқ

тўлаб турганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор. Бугунги кунларда Матмурод девонбеги девонхонасининг солиққа оид дафтарлари Хива “Ичон-қалъа” музей-қўриқхона асосий фондида сақланмоқда. Архив маълумотларига кўра Хива шаҳрида майда хунараманд косибларнинг 700дан зиёдроқ дўкон ва устахоналари бўлган. Шу жумладан 54та буёқчилик, 37та этикдўзлик, 37та рангдор этикдўзлик, 16та кўнчилик, 4та саррофлик устахоналари фаолият кўрсатган. Қишлоқ хўжалигидан олинadиган солиқлардан бир йилда қирқ минг тилло маблағ тушган. Барча солиқлар миқдори бир йилда расмий тарзда 172 минг 784 тилло бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Солиқларни ўз вақтида тўламаслик қонунни бузиш деб ҳисобланиб, айбдорлар жазога тортилган. Хон девони ихтиёрида махсус солғут отрядлари бўлган.

НАТИЖАЛАР. Девонбеги хонликдаги солиқ ишини божимонлар, меҳтар ва кушбегилар билан биргаликда олиб борган. Девонбеги ўз даврининг кишиси, хоннинг буйруғи, вазифа ва вазият тақозосига кўра исёнларни бостирган, гоҳо қаттиққўллик, шафқатсизлик қилишга ҳам мажбур бўлган. Девонбеги ихтиёрида доимий шай ҳолатда турган ўн минг навкар бўлган. Мамлакат осойишталигини сақлашга фидойиларча хизмат қилишни ўзининг бурчи деб билган Матмурод девонбеги босқинчи ва душманларни бартараф этишда жасорат ва жонбозлик намуналарини кўрсатганлиги ҳақида Огаҳий ўзининг “Шоҳид-ул-икбол” тарихий асарида қуйидаги маълумотларни ёзади: “Мухаммад Мурод девонбеги бағоят шижоатлик ва ғайратлиқ киши эрди, гоҳо ўзи масоф маъракасига бориб, баҳодир йигитларга кўнгил бериб, урушга тарғиб қилар эрди. Ва гоҳо сангар қазотурғон оломоннинг устига келиб, тез қазмоққа оларга хушсўз била мадад етуруп эрди”[5].

Девонбеги Хоннинг кўнгилочар тадбирларидан ҳисобланган дарё сайри, кураш, кўчкор ва хўроз уруштириш томошалари, дор ва дорбоз ўйинлари, мушакбозлик ва олтин қовоқ мусобақаларининг ҳам ташкилотчиси бўлган. Бу ҳақда Огаҳий “Шоҳид-ул-икбол” асарида қуйидагича ёзади: “Ва ҳамул оқшом ул мавзеъда жалолат тахтида хуршидона ўлтуруб,

айшу-ишрат базмин жамшидона курди. Мухаммад Мурод девонбегининг мазкур бўлгон шўъбабоз туғмасига буюрди, то ул туғма ҳамул кеча амри олий мужиби била андоқ мушакбозлиғ ва оташандозлиғ фунунин зухурга еткурдиким, ғоятсиз барқ ва ниҳоятсиз шаҳоб била рубъи маскун майдонин ва сипеҳри буқаламун айвонин боштин оёқ тўлдурди”[6]. Бу ажойиб томошаларни кўрган халойиқ санъаткорларнинг сеҳрли санъатига қойил қолади ва уларга офаринлар айтади. Огаҳий ўзининг “Шоҳиди иқбол” тарихий асарида хонлик мансабдорларидан Матмурод девонбеги характериға хос хислатларни таъкидлаб шундай ёзади: “Мухаммад Мурод девонбегиким, бағоят ҳимматлиғу ҳамиятлиғ ва фаросатлиғу шижоатлиғ ва давлатлиғу сарватлиғ ва садоқатлиғу ақидатлиғ ва короғоҳу давлатгоҳ киши эрди”[7]. Шунингдек, Огаҳий ҳазратлари Мухаммад Мурод девонбеги томонидан 1871 йилда Хива марказида гўзал мадраса курдириб, ёшларнинг илм-маърифатли бўлиши учун ҳам кўп хизматлар қилганлигини қуйидагича баён этади: “Хевақ шаҳрида ҳазрат акмалу-л-комилин, афзалу-л-восилин, зубдату-л-авлиё Саййид Алоуддин алайҳи-р-роҳманнинг мақбараи мутабаррикасининг ғарбий жонибида ва хоқони мағфиратнишон, мултои фирдавсмакон Мухаммад Амин Баҳодирхоннинг мадрасаи олийсининг шарқий тарафида бир мадрасаи сангинфарруҳ бино иморат қилдуруб, иморат ишин ўтган йилнинг охирида итмомға еткурмиш эрди. Хамул мадраса андоқ дилкаш бино ва хушҳаво мадраса бўлмишким, ақл муҳандисининг суврати хуснининг тасвирида лол ва хирад мударриси анинг таърифи дарсининг таҳайюлиға тунги мақолдир”[8].

Москвада 1875 йилда Е.Желябужский томонидан чоп этилган “Очерки и завоевание Хивы” китобида Мухаммад Мурод девонбеги ва бошқалар ҳақида маълумот бериб ўтилади: “Хиванинг ҳозирги хони Саййид Мухаммад Раҳимхон иродасиз, давлат ишлари билан шуғулланишни ёқтирмайди, атрофидагилар таъсириға осон берилувчан. Унга ғаразғўй ва қаттиққўл Мухаммад Мурод девонбегининг таъсири кучли. Русларнинг қўшини Хивага бостириб келганида тўхтатишга уринган ҳам

шу киши, лекин яхши курулланган руслар Хива қўшинларини тор-мор этдилар. Шундан кейин Муҳаммад Мурод девонбеги Казалинскга сургун қилинди. Хон Полвон мирзабошини, иниларидан Отажон тўрани севади ва ҳурмат қилади. Кейинги вақтда у билан келишмай ҳатто қамаб ҳам қўйган. Руслар Хивага келганидан кейин Отажон тўра озод қилинди”[9].

ХУЛОСА. Давлатни идора қилиш мураккаб ва маъсулиятли вазифа бўлиб, давлат ва халқнинг тақдири мамлакат раҳбарига ва унинг атрофидаги амалдорлар фаолиятига боғлиқдир. Ўша давр шароити давлат бошлиғининг ҳар томонлама пухта билим эгаллаган киши бўлишидан ташқари қаттиққўл бўлишини ҳам тақазо қилган. Ҳукмдор ўзининг атрофидаги амалдорлардан ҳам ўз ишига маъсулият, билимдонлик ва ишчанликни талаб қилган. Муҳаммад Мурод девонбеги ана шундай фазилятлар эгаси бўлиб, бошқа хон амалдорларидан аниқ ҳисоб-китоб ва пухта ҳужжат юритиши билан ажралиб турган. Муҳаммад Мурод девонбеги хон

сулоласига мансуб Ҳавожон бикага уйланган. Улардан дунёга келган ўғиллари Ҳусаин Муҳаммад, Омонкелди Сардор, Худойберганбойлар отасининг вафотидан кейин хон девонхонаси ишини давом эттирдилар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Баёний.М. Шажараи Хоразмшоҳий. Тошкент. 1991. 194-бет.
2. Исмоил Мирпанжий. Асирликдаги хотиралар. Урганч. 1997.-Б.35.
3. Ўша жойда.
4. Материалы по истории Узбекистана, Таджикистана и Туркмении. Мос. Л.,1932.С.266.
5. Огаҳий. Шоҳид ул-иқбол. Муҳаррир нашриёти Т., 2009. 204бет.
6. Огаҳий. Шоҳид ул-иқбол.Муҳаррир нашриёти. Т., 2009. 205-бет.
7. Огаҳий. Шоҳид ул-иқбол. 49-бет.
8. Огаҳий. Шоҳид ул-иқбол. 205-бет.
9. Желябужский, Е. Очерки о завоевании Хивы. М.,1875. -С.62.

